

Янгийўл тумани ҳокимининг
2019 йил 21 февралдаги
364-сон билан рўйхатдан
ўтказилган

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
вице-президенти

_____ Б.Т.Ибрагимов

8 феврал 2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

**Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти
илмий-ишлаб чиқариш маркази**

**QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALASH
ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI**

УСТАВИ

Тошкент вилояти-2019

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда “Институт” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 45-сон “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 21 январдаги №4-9-сон буйруғи асосида Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази тасарруфида ташкил этилган бўлиб, у Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Институтнинг тўлиқ номи қуйидагича:

давлат тилида: **“Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash ilmiy-tadqiqot instituti” (Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти)**, қисқартирилган номи – **QXMITI**;

рус тилида: **“Научно-исследовательский институт механизации сельского хозяйства”**, қисқартирилган номи – **НИИМСХ**;

инглиз тилида: **“The scientific – research Institute for mechanization of agriculture”**, қисқартирилган номи – **SRIMA**.

3. Институтнинг манзили: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси, 41.

4. Институт Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишлари, фармон ва қарорларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг қарорлари, буйруқлари ҳамда ушбу Уставга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатади.

5. Институт ўз фаолиятида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини механизациялаш жараёнларининг долзарб масалаларини ҳал этишга қаратилган муҳим назарий, амалий ва инновацион тадқиқотларни бажаради, олинган натижаларни конструкторлик бюрolari, машинасозлик корхоналари, машина-трактор парклари, техник сервис ташкилотлари, кластерлар, фермер ва дехқон хўжаликлари ишлаб чиқаришига жорий қилади.

6. Институт ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раҳбарлигида, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда соҳага доир илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлири, конструкторлик бюрolari, машинасозлик корхоналари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини сертификациялаш ва синаш давлат маркази, халқаро марказлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб боради.

7. Институт юридик шахс ҳисобланиб, ўзининг мол-мулки, мустақил баланси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган ҳисоб рақамларига, банкларда хўжалик маблағлари ҳаракати учун ҳисоб рақамларига, штамплари ва бланкаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг тўлиқ расмий номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

8. Институт ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ўз фаолияти доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият олиб бориши ва шу мақсадда хорижий давлатларда ҳамда республика ҳудудида халқаро валюта учун ҳисоб рақамлари очиши ва ундан фойдаланишлари мумкин.

9. Институт ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатлари талаблари асосида жавобгар ҳисобланади.

II. Институтнинг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва функциялари

10. Пахта-ғаллачилик, сабзовот-полизчилик, боғдорчилик ва бошқа экинларни парвариш қилишда интенсив технологияларни қамраб олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш бўйича барча агротехник тадбирларни тўлиқ механизациялашни таъминлайдиган истиқболли машиналашган агротехнологиялар ва ресурсларни тежайдиган техника воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

11. Лалми ерлар ва чўл яйловларида дон, мойли ва озуқабоп экинлар етиштириш бўйича янги агротехнологиялар ва техника воситаларини яратиш ва жорий этиш йўли билан маҳсулдорлиги кам ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни бажариш;

12. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнларининг самарадорлигини, жумладан, ноанъанавий ва

қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда ахборот технологияларини қўллаш ва агротехнологик тадбирларни комплекс автоматлаштириш ҳисобига оширишга қаратилган инновацион ишларни амалга ошириш;

13. Хорижий ва маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик техникаси ва техника воситаларининг янги замонавий турларидан республика қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланишга доир илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш;

14. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи бошқа илмий ва олий таълим муассасалари ҳамда машинасозлик корхоналари, шунингдек, халқаро илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари билан илмий-техник кооперация ўрнатиш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.

15. Тегишли идора, ташкилот ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш машиналари ва технологиялари тизими” ва “Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.

16. Кластерлар, фермер хўжаликлари ва машина-трактор парклари шароитида қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш, ростлаш ва самарали ишлатиш, машиналарга техник хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир илмий асосланган тавсиялар, қўлланмалар ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

17. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш, техника воситаларидан фойдаланиш даражасини ошириш йўналишлари бўйича юқори малакали илмий кадрлар (PhD/DSc фан докторлари) тайёрлаш.

18. Институт илмий ишлар тўпламлари ва олимларнинг илмий асарларини нашр этиш, фан ва техника ютуқларини оммалаштириш.

19. Институт олимлари ва ходимларига уларнинг илмий ва техникавий ижод қилишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларини яратиш.

20. Илмий ходимлар ва мутахассисларнинг касбий малакасини доимий равишда ошириш, бу мақсадларда семинарлар ва тренингларни ўтказиш.

21. Институт ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказига ҳисобот топширади.

III. Институтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

22. Институт ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- илмий-тадқиқот ишларига жалб қилинадиган илмий ходимларнинг умумий сони, касбий ва малакавий таркибини мустақил равишда белгилаш;

- институтнинг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобидан тушган пул маблағларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

- мазкур уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида бажариладиган ишга боғлиқ бўлган илмий алоқаларни амалга ошириш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ва нодавлат ташкилотлари, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг бошқа илмий бўлимларини ташкил қилиш, уларга асосий ва айланма воситаларни бириктириш, иқтисодий муносабатлар тартибини белгилаш;

- қишлоқ хўжалигини механизациялаш, автоматлаштириш ва энергия-ресурстежамкорлик, машина-трактор паркидан фойдаланиш соҳаларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига доир фундаментал, амалий ҳамда инновация лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш ҳамда Фанлар академияси, вазирлик ва идоралар, шунингдек, хорижий марказлар ва ташкилотлар томонидан фундаментал, илмий-амалий, инновация тадқиқотлари ва жорий этиш ишларини бажариш бўйича эълон қилинадиган грант танловларида иштирок этиш;

- республикада янги қишлоқ хўжалиги машиналарини яратиш ва уларни ишлатиш, қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаш, автоматлаштириш ва энергия-ресурстежамкорлик бўйича илмий тадқиқотларни ва инновация лойиҳаларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

- янгидан яратилган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарига “Дастлабки (агротехник) талаблар”ни ишлаб чиқиш, конструкторлик бюrolари ва машинасозлик корхоналари томонидан ишлаб чиқиладиган “Техник топшириқ” ва “Техник шартлар”ни имзолаш (келишиш), янги техника воситаларининг давлат синовлари жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш;

- соҳага мос йўналишлардаги етакчи хорижий илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, марказлар билан белгиланган тартибда халқаро ҳамкорликни ўрнатиш, хорижий грантларни жалб этиш, мутахассислар, илмий ютуқлар ва ахборотлар алмашувини таъминлаш;

- соҳа фани ва амалиётининг долзарб йўналишлари бўйича илмий, илмий-амалий конференциялар, симпозиумлар, семинарлар уюштиради;

- илмий тадқиқотлар натижалари, янгидан яратилган техника воситалари, фан ва техника ютуқлари, илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида республика ҳудудларида хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларни белгиланган тартибда ташкил қилади;

- институт олимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш натижасида яратилган илмий кашфиётлар, олинган ихтиро патентлари ва бошқа илмий товарлар билан интеллектуал мулк бозорида белгиланган тартибда иштирок этиш;

- ўзининг фаолият соҳалари бўйича касб-ҳунар коллежлари, лицейлар ўқитувчилари, туман машина-трактор парклари, техник сервис ташкилотлари, кластерлар, фермер хўжаликлари мутахассисларининг малака оширишларини ташкил қилади;

- белгиланган тартибда мол-мулкга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш, шартномалар, контрактлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаш, мол-мулкни сотиб олиш ва сотиш, уни ижарага бериш ва олиш, судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш;

- институт банк кредитидан фойдаланиши мумкин ҳамда бу кредитни мақсадли фойдаланишда ва ўз вақтида қайтариб беришда масъулдир;

- институт қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган барча фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

23. Институт:

- ўзига тегишли барча мол-мулк учун;

- ўз ходимларини меҳнат шартномалари асосида тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида зарур шарт-шароитлар ва ресурслар билан таъминлаш учун;

- ўзига юклатилган бошқа вазифаларни самарали бажарилиши учун жавобгардир.

IV. Институтнинг бошқарув органлари

24. Институтга Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан меҳнат шартномаси (контракт) асосида беш йилгача муддатда лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган фан доктори, фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига эга бўлган директор раҳбарлик қилади.

25. Институтда беш йилгача муддатга Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан тайинладиган директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, шунингдек Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази билан келишилган ҳолда директор томонидан тайинладиган директорнинг ишлаб чиқариш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича ўринбосари ҳамда илмий котиб лавозимлари жорий этилади.

26. Институтда илмий кенгаш ва илмий-техник кенгаш ташкил этилади. Илмий кенгашнинг қарорлари директорнинг буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади.

27. Институт бошқарув аппарати ходимлари сони қонун ҳужжатларига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази (юқори ташкилот) томонидан белгиланади.

28. Директор:

- институтга умумий раҳбарликни амалга оширади, жорий масалаларни ҳал этади, институтдаги ишларнинг аҳволи юзасидан юқори ташкилот олдида шахсан жавоб беради;

- институт номидан фаолият юритади ва бошқа ташкилотларда институт манфаатларини ҳимоя қилади;

- институт бўлинмалари ва илмий кенгаш ишини ташкил этади;

- тадқиқотлар дастурларини тасдиқлайди, фундаментал, амалий ва инновация лойиҳаларини бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

- юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига раҳбарлик қилади;

- долзарб илмий-амалий ва инновацион муаммоларни ечиш мақсадида ҳар бир тадқиқот лойиҳаси бўйича олимлар ва мутахассислардан иборат вақтинчалик ижодий жамоани ташкил этади;

- институт молиявий ресурсларидан тўғри фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

- институт ходимлари белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузади ва бекор қилади;

- ўзининг ўринбосарлари, илмий котиб, бўлим ва лаборатория бошлиқлари ҳамда бошқа ходимларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди, белгиланган тартибда рағбатлантириш ва жазо чораларини қўллайди.

V. Институтнинг илмий кенгаши

29. Институтда 15 аъзодан иборат таркибда илмий кенгаш ташкил этилади. Институт директори, унинг ўринбосарлари ва илмий котиб лавозимларига кўра кенгаш аъзолари ҳисобланадилар. Илмий кенгаш таркиби директор тавсияси асосида Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан тасдиқланади.

30. Илмий кенгаш:

- илмий тадқиқот ишларининг стратегик йўналишлари, истиқболли мавзулари, фундаментал, илмий-амалий ва инновацион тадқиқотларнинг илмий-техника дастурларини шакллантиради ва муҳокама қилади;

- илмий-тадқиқот ва тажриба ишларининг режа лойиҳаларини, илмий-тадқиқотларнинг дастур ва услубиётларини, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, илмий асарларни чоп этиш, фан ва техника ютуқларини жорий қилиш режаларини, симпозиумлар ва конференцияларнинг дастурларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

- тадқиқот лойиҳалари бўйича якуний ҳисоботларни, институтнинг илмий ва илмий-ташкилий фаолиятига доир йиллик ҳисоботларни муҳокама қилади;

- институт таркибига киритиладиган ўзгаришлар бўйича таклифларни, илмий тадқиқот ишларини бажариш учун ажратилган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади;

- соҳага фанининг долзарб йўналишлари бўйича илмий маърузалар ва ахборотларни эшитади, диссертация ишларини муҳокама қилади, ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун институт бўлинмалари томонидан тайёрланган тавсия ва таклифларни кўриб чиқади;

- институт раҳбарияти ва бўлим бошлиқларининг ҳисоботларини, шунингдек, институт ходимларининг республика ва хорижий хизмат сафарлари бўйича ҳисоботларини эшитади ва баҳолайди;

- илмий маслаҳатчиларнинг фан докторларини тайёрлаш бўйича фаолияти, диссертация ишларининг мавзулари ва дастурларини, ўқув режаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек, институтда ўтказилган аттестация натижаларини муҳокама қилади ва тегишли таклифларни беради;

- институт олимларига илмий унвонлар бериш учун тегишли ташкилотларга тақдимнома билан мурожаат этиш бўйича тавсия беради;

- ёш олимлар сафини кенгайтириш, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ масалаларни ечишда кўмаклашади;

- меҳнатда бошқаларга ўрнатилган бўлаётган, ўта муҳим тадқиқот ва вазифаларни сифатли бажараётган ходимлар лавозим маошларига устамалар белгилайди;

- институтнинг алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларини давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан тақдирлаш юзасидан белгиланган тартибда таклиф киритади, ходимларни институтнинг фахрий ёрликлари, қимматли совғалар ёки пул мукофотлари билан тақдирлайди;

- институтнинг мансабдор шахслари томонидан мазкур уставга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

- директорнинг ҳудудий бўлимлар раҳбарларини тайинлаш тўғрисидаги буйруқларини тасдиқлайди.

31. Илмий кенгаш унинг мажлисида ўз аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

31. Илмий кенгаш қарорлари очиқ овоз берган ҳолда кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

32. Илмий кенгаш қарорлари институт директори томонидан тасдиқланади.

VI. Институтнинг илмий-техник кенгаши

33. Институтда 15 аъзодан иборат таркибда илмий-техник кенгаш ташкил этилади. Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари унинг раиси ҳисобланади. Кенгаш таркибига лабораториялар бошлиқлари, етакчи олимлар ва мутахассислар киради. Илмий-техник кенгаш таркиби директор томонидан тасдиқланади.

34. Илмий-техник кенгаш:

- янгидан яратилган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарига институт олимлари томонидан ишлаб чиқилган “Дастлабки (агротехник) талаблар”ни

тасдиқлайди, конструкторлик бюрolari ва машинасозлик корхоналари томонидан тайёрланган “Техник топшириқ” ва “Техник шартлар”ни муҳокама қилади ва тегишли хулосаларни беради;

- фундаментал, илмий-амалий ва инновация лойиҳалари бўйича оралик ҳисоботларни муҳокама қилади, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчиларнинг докторлик диссертациялари мавзуларини тасдиқлайди, уларнинг илмий ишлари бўйича даврий ҳисоботларини эшитади ва аттестациядан ўтказиш тадбирларини ташкил қилади;

- институтда фаолият юритаётган илмий семинарлар ишини мувофиқлаштириб боради.

VII. Институтнинг мол-мулки, хўжалик ҳисобидан олган даромади, уни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартиби

35. Институтнинг мол-мулки унга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бириктирилган асосий фондлар ва бошқа моддий бойликлардан ташкил топади.

36. Институтнинг хўжалик ҳисобидан олган даромади фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкани бошқа ташкилотларга ижарага беришдан шаклланади, юридик ва жисмоний шахслар томонидан институтга ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан қўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтирилади. Ушбу даромадлар институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

37. Институтнинг хўжалик ҳисобидан олган даромади институт ихтиёрида бўлиб, ундан белгиланган тартибда мустақил равишда фойдаланади ва у бошқа ташкилотлар томонидан олиб қўйилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

38. Институт хўжалик ҳисобидан олган даромадининг бир қисмини республика ичида ва ташқарисида ходимларнинг малакасини оширишга сарфлаши мумкин.

VIII. Ходимлар ва меҳнат муносабатлари

39. Институт меҳнат жамоаси штат жадвалига асосан шаклланади. Ходимларни ишга қабул қилиш ва улар билан меҳнат шартномаларини бекор

килиш амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан амалга оширилади. Институт меҳнат жамоасини унинг фаолиятида меҳнат шартномаси (контракт, битим) асосида ўз меҳнатлари билан иштирок этувчи барча фуқаролар ташкил этади.

40. Институт маъмурияти институтда ташкил этилган касаба уюшма қўмитаси билан жамоа шартномаси тузиши мумкин. Бу шартномаларнинг мазмуни ва шартлари тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

41. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг шакли ва тизими, иш куни тартиби, меҳнат таътили ва дам олиш кунларини бериш, уларнинг давом этиш муддати амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

IX. Институтнинг молия-хўжалик фаолияти

42. Институт ўз фаолиятини ва хўжалик юретишни мустақил белгилайди. Институт молиявий фаолиятининг асоси илмий-техник дастурлар доирасидаги илмий-тадқиқотларни молиялаштиришга йўналтирилади.

43. Институт ўз молиявий фаолиятини илмий-тадқиқотлар ва шартномавий ишларнинг ҳажми ва молиявий ҳисоб-китоблар режаси асосида амалга оширади.

44. Институтнинг давлат бюджети билан боғлиқ молиявий муносабатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

45. Институт хўжалик ҳисоби асосида ишлаб топилган, турли ташкилотларнинг нобюджет ажратмалари ёки ҳомийлик тарзида олган ва вақтинчалик банк ҳисоб рақамларида ишлатилмай турган пул маблағларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил фойдаланади.

X. Институт фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш

46. Институтни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.